

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРТОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

хуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнал



CYBERLENINKA

научная электронная
библиотека
eLIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
2 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА
НОМЕР 2, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD
VOLUME 2, ISSUE 1



TOSHKENT-2022

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИШНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ 8

2. НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ МАЪМУРИЙ АКТ МИСОЛИДАГИ
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ 16

3. РАБИЕВ Шерзод Миржалилович, АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович

МАЪМУРИЙ МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “МАЪМУРИЙ
КЎМАКЛАШ”НИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ 22

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

4. ОКЮЛОВ Омонбой

“СНОСЛАР” ЖАРАЁНИДА ХАР БИР МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ 30

5. ГУЛЯМОВ Саид Саидахарович, БОЗАРОВ Сардор Соҳибжонович

ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ 36

6. ACHILOVA Liliya Ilxomovna

VIRTUAL TURIZMNI TASHKIL ETISHNING HUQUQIY JIHATLARI 43

7. МУРОТОВ Журабек Сафарович

ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА (ТОВАР, ХИЗМАТ) БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР . 50

8. ВОСТРИКОВА Виктория Сергеевна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна

ДОКТРИНА ФРУСТРАЦИИ НА ПРИМЕРЕ РЕШЕНИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА
СОЕДИНЕННОГО КОРОЛЕВСТВА 55

9. АБРОРОВА Камола Сайдмухторовна

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО КОММЕРЧЕСКОГО АРБИТРАЖА
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 63

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

10. МАДРАҲИМОВА Гулжаҳон Рузимбой қизи

ИИЛЛИК ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ
ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР
(РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА) 70

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

11. ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли

ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 79

12. ВОХИДОВ Махкам Мубинович

ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВОССТАНОВЛЕНИЯ
НАРУШЕННЫХ ПРАВ ЖЕРТВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЯ ВЛАСТЬЮ В
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 86

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

13. ИСПЛОМОВ Бунёд Очилович ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ И ИСКЛЮЧАЮЩИЕ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ КОДЕКСУ РЕСПУБЛИКИ БОЛГАРИЯ (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ)	92
14. БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ	99

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

15. АБДУЛЛАЕВ Рустам Каҳраманович ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ	107
16. ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ЎРНИ	114

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

17. РАХМАНОВ Шухрат Наимович ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МИГРАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	119
18. USMANOVA Surayyo YEVRONA ITTIFOQIDA TURIZM: OMMAVIY HUQUQIY JIHATLARI TAHLILI	126
19. ХАМДАМОВА Фируза ПРАВОВОЙ СТАТУС РОБОТОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ГУМАНИТАРНОМ ПРАВЕ	131
20. КАРИМОВ Оятилло Халимович ПОНЯТИЙНЫЙ АНАЛИЗ ЭКСТРАДИЦИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ И НАЦИОНАЛЬНОМ ПРАВЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ	135
21. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНО-КОММУНИКАЦИОННЫХ СВЯЗЕЙ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЕВРОПЫ	141
22. ОЧИЛОВ Шермат Рашидович ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ	149
23. САЛИЕВА Шахсанем Уснатдиновна ФОРМИРОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ	154
24. МИРЗАМУРОДОВ Шоҳруҳ Олимович МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ ЗАКРЕПЛЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНО И ЮЖНОАЗИЙСКОМ МАКРОРЕГИОНЕ В РАМКАХ ШОС	161

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

25. NAITO Shintaro OVERVIEW OF DRAFTING LEGISLATIVE BILLS IN JAPAN–FOCUSING ON AVOIDING INCONSISTENCY IN LAWS	169
26. ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА	184
27. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиёрович ОСНОВНЫЕ НОВЕЛЛЫ ИНВЕСТИЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА	190

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

E-mail: sh.bahronov@adliya.uz

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): Баҳронов Ш.Х. Норма ижодкорлигига экологик талаблар ҳисобга олинишини таъминлашнинг ҳуқуқий механизми // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2022) Б. 8-15.



2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-2-1>

АННОТАЦИЯ

Экологик муаммолар ҳар бир давлат, жамият ва инсон ҳаётига бўлган таъсири сезиларли равишда ошиб бораётган бир пайтда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказишнинг аҳамияти ва долзарблиги очиб берилган. Айниқса, бу борада хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва тажрибаси таҳлил қилинган. Ўзбекистонда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини такомиллаштириш бўйича бир нечта таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: экологик муаммолар, атроф мухитга таъсирни баҳолаш, норма ижодкорлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, экологик экспертиза, “ўйин қоидалари”.

БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович

Независимый соискатель

Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: sh.bahronov@adliya.uz

ПРАВОВОЙ МЕХАНИЗМ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УЧЕТА ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ТРЕБОВАНИЙ В НОРМОТВОРЧЕСТВЕ

АННОТАЦИЯ

В условиях, когда влияние экологических проблем на жизнь каждого государства, общества и человека значительно возрастает, раскрывается важность и актуальность экологической экспертизы проектов нормативно-правовых актов. В частности, здесь, анализируются законодательство и опыт зарубежных стран в этой области. В Узбекистане

выдвинут ряд предложений по совершенствованию организационно-правовых механизмов проведения экологической экспертизы проектов нормативно-правовых актов.

Ключевые слова: экологические проблемы, оценка воздействия на окружающую среду, нормотворчество, нормативный акт, экологическая экспертиза, “правила игры”.

BAHRONOV Sherzod

Independent researcher of Tashkent State University of Law
E-mail: sh.bahronov@adliya.uz

LEGAL MECHANISM FOR ENSURING CONSIDERATION OF ENVIRONMENTAL REQUIREMENTS IN RULE-MAKING

ANNOTATION

The importance and relevance of environmental expertise of draft regulatory legal acts in the context of a significant increase in the impact of environmental problems on the life of each state, society and person is revealed. In particular, the legislation and experience of foreign countries were analyzed. In Uzbekistan, several proposals have been put forward to improve the organizational and legal mechanisms for conducting environmental expertise of draft regulatory legal acts.

Keywords: environmental problems, environmental impact assessment, rule-making, normative legal act, ecological expertise, “rules of the game”.

Норма ижодкорлигига экспертизанинг тутган ўрни муҳим бўлиб, экспертизани ушбу жараённинг ажралмас ва узвий қисми деб баҳолаш мумкин. Ушбу масалада кўпгина тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, барчасида экспертиза қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини оширишга хизмат қилиши билан боғлиқ ўзига хос ва умумий холосаларга келинган.

Экспертиза тушунчасининг луғавий маъноси юридик адабиётларда “экспертиза” (“expertus” – “тажрибали”, “тажрибадан билувчи”) мутахассис ёки мутахассислар гурӯҳи томонидан у ёки бу соҳада малакали ечим талаб қилинадиган масалаларни ўрганиш” сифатида таърифланади [1, Б.545-546].

Ҳуқуқшунос олим М.Тихомировнинг фикрига кўра, экспертиза сўзи лотингча “синов” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, ечими турли соҳаларда маҳсус билимларга эга бўлишни талаб қилувчи муайян масалаларни мутахассис томонидан ўрганишни ёки бирон бир масалани эксперт ёки эксперталар гурӯҳи томонидан холоса бериш учун кўриб чиқишни англатади [2, С.330].

Экспертизанинг бошқа фаолият турларидан фарқи айнан унинг муайян соҳадаги маҳсус билимга эга шахслар томонидан ўтказилишидадир.

Шуни таъкидлаш керакки, адабиётларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси тушунчаси бўйича ягона ва яқдил ёндашув шаклланмаган.

Профессор Ш.Х.Файзиевнинг изоҳига кўра, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини экспертиза қилиш – ҳуқуқ ижодкорлиги жараённинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, қонунчилик ҳужжатларининг мукаммал тайёрланиши, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибида солиш механизмини таъминлаш ҳамда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий соҳалардаги кенг кўламли исплоҳотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга [3, Б.160].

Экспертизага берилган ушбу таъриф бугунги кунда юртимиздаги демократик исплоҳотлар жараёнида экспертизанинг моҳиятини очиб бериши билан аҳамиятлидир.

Бизнинг фикримизча, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси – бу ваколатли органларнинг кўрсатмасига асосан маҳсус билимга эга бўлган мутахассис (эксперт) томонидан юқори сифатли ва самарали норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни аниқлашга қаратилган белгиланган процессуал тартибда

ўтказиладиган тадқиқот ҳисобланади.

Норма ижодкорлигига изчилликка риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Қонунчилик ҳужжатлари жамиятнинг ҳозирги ҳолати билан бирга унинг келгусидаги ривожланиш йўналишларига мувофиқ қабул қилиниши лозим. Шу нуқтаи назардан, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари замонавий чақириқларни ҳисобга олган ҳолда муайян экспертизалардан ўтказилиши зарур.

Б.Абдуллаев ҳақли равишда таъкидлаганидек, бугунги кунда биз экспертилик фаолиятининг сезиларли даражада кенгайиш жараёнларининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу объектив жараён бўлиб, давлат ҳокимиятининг турли даражаларида жамият ва давлатнинг ривожланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриш тўғрисида қарорлар қабул қилишда хавф-хатарларни камайтириш, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий, экологик, технологик ва ахборотга оид хавфсизликни таъминлаш фоят муҳим ҳисобланади. Ушбу вазифаларни адо этишда зарур чора-тадбирларни аниқлаш, ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга молик республика ва минтақавий мақсадли дастурларни амалга ошириш, йирик инвестиция, инновация, илмий-техник, экология лойиҳаларини бажаришда хавф-хатарларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади [4, Б.33].

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизасини соҳалар кесимида кўплаб турларга таснифлаш мумкин. Айни пайтда адабиётларда назарий жиҳатдан экспертиза турлари бўйича ягона тўхтамга келинмаган.

Профессор Ю.А.Тихомиров қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг юқори сифатини таъминлашнинг муҳим шарти – бу иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, экологик, техник ва бошқа соҳадаги экспертизалардир, деб таъкидлайди [5, С.53].

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ташқари ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг қарорига кўра иқтисодий, молиявий, илмий, лингвистик, экологик экспертизадан, шунингдек бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкинлиги белгиланган [6].

Экологик экспертиза – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасининг муҳим турларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Экологик муаммолар ҳар бир давлат, жамият ва инсон ҳаётига бўлган таъсири сезиларли равишда ошиб бораётган бир пайтда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказишнинг долзарблигини кун тартибига чиқармоқда.

Ваҳоланки, ҳозирда нафақат юртимиз, балки бутун дунёда юқори глобал иқтисодий ўсиш ва табиатга нооқилона муносабат натижасида атроф муҳитга нисбатан экологик таҳдидларнинг салбий таъсири кескин ошиб бормоқда.

Саноатнинг жадал ривожланиши ва инсон омилининг табиатга таъсирининг кучайиши иқлим ўзгаришлари, биологик хилма-хилликнинг бузилиши ва чўлланиш билан боғлиқ глобал экологик муаммоларни юзага келтирди.

БМТ маълумотларига кўра, инсоният фаолиятининг таъсири ўлароқ Ер куррасининг 75 фоиз майдони бутунлай ўзгаришига олиб келган, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг 1 миллион тури йўқолиб кетиш хавфи остида қолган [7].

Экологик муаммоларнинг кескинлашуви инсоният ҳаёти ва келажагига реал хавф түғдирмоқда. БМТ томонидан қабулқилинган 2030 йилгача бўлган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадларидан З таси бевосита дунё экотизимини сақлаб қолишига қаратилганлиги ҳам табиатни муҳофаза қилишнинг нақадар муҳим ва долзарб жараёнга айланганидан далолат беради. [8].

Бугунги кунда мамлакатимизни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳақиқий хавф solaётган атроф муҳитнинг глобал, минтақавий ва миллий характердаги муаммоларини юмшатишнинг барча таъсирчан ҳуқуқий инструментларини жорий этишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Экологик экспертиза давлатнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатининг муҳим инструментларидан бири бўлиб ҳисобланади. Умумий маънода айтганда, экологик экспертиза натижалари экологик хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан

асослантирилган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун пойдевор сифатида хизмат қилади. Бу муайян хўжалик фаолияти ёки норматив-хўкуқий ҳужжат лойиҳасига ҳам бирдек тааллуклидир [9, Б.25].

Ўзбекистон Республикаси сиёсатида экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларини давлат фаолиятининг янги йўналиши деб қараб, мавжуд экологик хавфларни тўғри баҳолай олиш, уларнинг сабабларини аниқлаш ва келиб чиқадиган салбий оқибатлардан инсон, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, мазкур фаолиятнинг ҳўкуқий асосларини такомиллаштириш устувор вазифалардан бири деб ҳисоблади [10, Б.19].

Ҳақиқатдан ҳам, келажагимиз кўп жиҳатдан, табиат билан жамият ўртасидаги алоқадорликни оптималь ҳал қилиш йўллари ва воситаларининг топилишига боғлиқ. Бунда ҳар бир давлат миллый сиёсий воситалар ёрдамида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий-ҳўкуқий механизмларини жорий этиши долзарб аҳамиятга эгадир.

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуидаги фикрлари эътиборга молиқдир: “Дунё миқёсида саноат юқори даражада ривожланган XXI асрда экология билан боғлиқ муаммолар биринчи даражали муаммо сифатида кун тартибига чиқмоқда. Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшashi керак. Бунинг учун биз табиатга эътибор беришимиз, фақат бугунни эмас, яқин ва узоқ келажакни ўйлаб иш тутишимиз зарур” [11].

Ҳозирда дунёнинг деярли барча мамлакатларида, шу жумладан, юртимизда ҳам режалаштирилган тадбирлар учун атроф муҳитга таъсирни баҳолаш тизимлари қўлланилади. Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш оддий принципга асосланади: фаолиятнинг атроф муҳитга салбий таъсирини амалга ошириш босқичида аниқлаш ва тузатишдан кўра лойиҳалаштириш ва режалаштириш босқичида олдини олиш. Бу бизга мақсадларни шакллантириш, режалаштириш ва муайян фаолиятни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш босқичида иқтисодий ривожланиш билан бир қаторда экологик омилларни ҳисобга олиш имконини беради.

Адабиётларда атроф муҳитга таъсирни баҳолаш – таклиф этилаётган фаолиятнинг ёки норматив ҳужжат лойиҳасининг атроф муҳитга бўлган таъсирини ҳар томонлама таҳлил қилишга ва ушбу таҳлил натижаларидан атроф муҳитга етказилган заарнинг олдини олиш ёки камайтириш учун фойдаланишга қаратилган жараён сифатида қайд этилади [12, Б.379]

Лойиҳаларнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш фаолиятининг келиб чиқиши АҚШ, Буюк Британия ва Германиянинг ер ва кончилликка оид қонунларига бориб тақалади [13, Б.430]

Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш жараёни ilk бор АҚШда 1969 йилда қабул қилинган табиатни муҳофаза қилишга оид қонунда расмий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу қонунда лойиҳаларнинг атроф муҳитга ва аҳоли саломатлигига таъсирини ўрганиш ҳақидаги талаб ҳамда лойиҳа ташаббускорларининг атроф муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича холоса тайёрлаш мажбурияти белгиланган. 1979 йилда эса атроф муҳитга таъсирни баҳолашни амалга ошириш бўйича Қоидалар тасдиқланган.

Америка моделига мувофиқ, лойиҳа ташаббускори лойиҳани амалга ошириш бўйича тегишли қарор қабул қилингунинг қадар унинг атроф муҳитга таъсири юзасидан маҳсус маълумот тайёрлаши лозим. Ушбу ҳужжат лойиҳани амалга ошириш бўйича аниқ прогнозга асосланади, баҳолаш жорий лойиҳани рад этиш билан бирга муқобил варианtlарни ҳам ўз ичига олади. Баҳолаш жараёнининг муҳим жиҳати лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган ҳудуд аҳолисининг тегишли қарор қабул қилинишида бевосита иштирок этиши ҳисобланади. Бу инсоннинг атроф муҳитга оид ҳўкуқларини амалда таъминлаш шаклларидан биридир. Дарҳақиқат, атроф муҳитга таъсирни баҳолаш демократик жараён бўлиб, тегишли қарор қабул қилинишида жамоатчиликнинг иштирокини қамраб олади [14, С.191-198].

Ушбу тартиб АҚШдан кейин бошқа давлатларга ҳам тез тарқала бошланди: Канада (1973 йил), Австралия (1974 йил), Янги Зеландия (1974), Колумбия (1974 йил), Таиланд (1975), Франция (1976 йил), Нидерландия (1979 йил), Гречия (1986 йил), Испания (1987 йил), Италия (1988 йил), Дания (1989 йил), Германия (1990 йил) ушбу тартибга оид тегишли

қонунчиллик ҳужжатларини қабул қилди. Ҳозирги кунда дунёning 100 дан ортиқ давлатида атроф мұхитта таъсирни баҳолаш миллий тизими қонунчиллик асосида үрнатылған.

Атроф мұхитта таъсирни экологик баҳолашнинг замонавий тизимини (Environmental Impact Assessment) қўллаш бўйича узоқ йиллик амалий тажрибага эга бўлган **Хитой** 2003 йилдан бошлаб лойиҳаларни стратегик экологик баҳолаш (Strategic Environmental Assessment) тизимини ҳам ҳаётга татбиқ эта бошлади. Янги тартиб, аввало, ҳукумат қарорлари ва дастурлари лойиҳаларини стратегик экологик баҳолашдан ўтказилишини белгилайди.

Атроф мұхитта таъсирни баҳолаш соҳада мұхим аҳамиятга эга бўлган ҳалқаро-ҳуқуқий шартнома – 1992 йилда Рио-де-Жанейрода қабул қилинган Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция ҳисобланади. Мазкур ҳалқаро ҳужжат иштирокчи давлатлар томонидан атроф мұхит, шу жумладан, биологик хилма-хилликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган дастурлар ва қонунчиллик ҳужжатларини экологик экспертизадан ўтказиш механизmlарини жорий қилиш, ушбу жараёнга жамоатчиликнинг иштирок этиш имкониятини яратиш ва бошқа мұхим чораларни кўриш лозимлигини эътироф этади. Ҳозирда дунёning 170 га яқин давлати ушбу Конвенцияни имзолаган, Ўзбекистон ҳам унга 1995 йил 6 майда қўшилган [15].

Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофaza қилиш тўғрисида”ги Қонунида экологик экспертизанинг ижобий хуласасисиз лойиҳаларни рўёбга чиқариш ман этилиши белгиланган бўлиб, ушбу қоида амалга оширилиши натижасида атроф мұхитта таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча турдаги лойиҳаларни назарда тутади [16].

Бироқ Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунига асосан экологик экспертиза фақат режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик ёки бошқа хил фаолиятни экологик талабларга мослигини ўрганиш билан чекланмоқда, ушбу қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари экологик экспертиза обьектлари қаторига киритилмаган [17].

Бизнингча, нафақат ҳўжалик ёки бошқа фаолиятни, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳам атроф мұхитта таъсирини баҳолаш асосида ишлаб чиқиш ҳамда экологик экспертизадан ўтказиш уларнинг “**экологик жиҳатдан хавфсиз**” бўлишига хизмат қиласди. Бошқача айтганда, экологик экспертиза муайян қонунчиллик ҳужжати қабул қилинишидан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф табиий мұхитни муҳофaza қилишнинг мұхим тадбири сифатида қаралиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экологик экспертизаси – норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг атроф мұхитни муҳофaza қилиш соҳасидаги тегишли стандартларга мувофиқлигини аниқлаш ҳисобланади. Айни пайтда, қонунчилликни экологик экспертизадан ўтказиш аҳолининг атроф мұхитта доир ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини аниқлаш ва бартараф этишнинг мұхим воситасидир.

Ушбу жараён ўз навбатида: атроф мұхит муҳофасининг гюқоридаражасинитаъминлашга; қабул қиласанаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини яхшилашга; қарорлар қабул қилиш самарадорлигини оширишга; барқарор ривожланишнинг янги имкониятларини аниқлашга; табиатга зарар келтирариган ва қимматга тушадиган хатоларни олдини олишга; экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича бошқарув тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Экологик экспертиза ўзининг юридик табиатига кўра экологик аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишда экологик талабларнинг ҳисобга олинишини таъминлайди. Янни, ушбу ҳуқуқий институт тегишли қарорларни лойиҳалаштириш жараёнида атроф мұхитта зарар етказилишини олдини олиш ва табиатни муҳофaza қилиш бўйича мұхим функцияни бажаради. Профессор М.М.Бринчук ҳақли равишда таъкидлаганидек, атроф табиий мұхит ифлосланишини олдини олиш экологик жиҳатдан асосланмаган қарорларнинг салбий оқибатларини бартараф этишга қараганда тўрт-беш маротаба арzonга тушади [18, С.2-11].

Қонунчиллик ҳужжатлари лойиҳаларининг экологик экспертизаси муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишида экологик хавфсизлик талаблари ҳисобга олинишини англатса, атроф мұхитта таъсирни баҳолаш ушбу лойиҳаларни ишлаб чиқиш жараёнида атроф табиий мұхитни муҳофaza қилишга оид қоидаларнинг бажарилиши ва инобатга

олинишини таъминловчи муҳим восита ҳисобланади.

Кўпгина мамлакатлар ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ва атроф муҳитга нисбатан номутаносиб “**ўйин қоидалари**”ни ўрнатиши мумкин бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиш лозимлигини тушуниб етмоқдалар.

Хусусан, Қозогистон Республикасида “Хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга 2021 йилда экологик хавфсизликка таъсир қилувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятларига оид қўшимча модда киритилиб, амалга оширилиши атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари мажбурий давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши шартлиги белгиланди [19].

Қирғизистон Республикасида ҳам “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунга асосан, экологик хавфсизлик масалалари билан боғлиқ норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экологик экспертизадан ўтказилиши лозим [20].

Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг экологик экспертизаси мақсадини аниқлашда қонунчилик экспертизасининг умумий мақсадидан келиб чиқиш ўринлидир. Зоро, экологик экспертиза ҳам қонунчилик экспертизасининг бир тури сифатида ҳуқуқий тизимнинг барқарорлигига хизмат қиласди.

Ҳар қандай тадқиқот сингари экспертиза фаолияти олдига ҳам муайян мақсадлар қўйилади. Мақсад – маълум бир ҳаракат якунида олиниши лозим бўлган энг мақбул натижа ҳисобланади.

Академик А.Х.Сайдовнинг таъкидлашича, қонун ҳужжатларини экспертиза қилишдан мақсад: биринчидан, қонун лойиҳаларининг қонунчилик принципларига ва миллий ҳуқуқий тизим руҳига мослигини таъминлаш; иккинчидан, қонун лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва миллий манфаатларига мувофиқ бўлишини таъминлаш; учинчидан, қонун лойиҳаларини сифатли бўлишини таъминлаш; тўртинчидан, қонун ҳужжатларининг самарадорлигини ўрганишдан иборатdir [21, Б.15-16].

О.А.Коротковани фикрига кўра, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг мақсади: 1) норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилинишининг юқори сифати, асослилиги ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш; 2) қонунчилик ҳужжатларининг илмий асосланган тизимини яратиш; 3) юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий ва салбий ижтимоий, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий жиҳатларни аниқлаш ҳисобланади [22, С.9].

Бинобарин, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказишнинг ўзи ҳам экспертизанинг мақсадларидан бири бўлиб, унинг самарали йўлга қўйилиши умумий мақсад амалга ошишига ёрдам беради.

Бизнинг фикримизга кўра, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказишдан асосий мақсад лойиҳанинг экологик хавфсизлик талабларга мувофиқлигини таъминлаш, экологик хавф-хатарларни ҳисобга олиш ва камайтириш орқали аҳоли саломатлиги, табиий ресурслар ва атроф муҳит ҳолатига юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олишдан иборат бўлиши лозим.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш мамлакатимизда норма ижодкорлигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу ўз навбатида қонунчилик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнларини ҳам қамраб олади.

Шунга кўра, миллий қонунчиликда норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз ва мазкур соҳада **қўйидагилар таклиф этилади:**

Биринчидан, юртимизда норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг экологик экспертизадан ўтказилиши мажбурийлигини белгилаш лозим.

“Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ва “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонунларда амалга оширилиши табиатга салбий таъсир қилиши мумкин бўлган норматив-

ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг экологик экспертизадан ўтказилиши мажбурийлигига доир ҳуқуқий асосларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, миллий қонунчиликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиш тартибининг белгиланиши қўйидаги вазифаларнинг самарали ҳал этилишини таъминлайди:

Ўзбекистонда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиша комплекс ёндашув элементларидан бири сифатида экологик баҳолашни жорий этиш;

норма ижодкорлигига экологик ёндашувни сингдириш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солиш сифатини ошириш;

экспертиза институтининг имкониятини кенгайтириш орқали миллий қонунчилик сифати ва ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини кучайтириш.

Иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш долзарб аҳамиятга эга.

Ушбу тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ барча жараён тўлиқ қамраб олиниши, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиш тамоиллари, экспертизадан ўтказиш босқичлари, экспертизадан ўтказувчи идоранинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экспертиза хulosасининг тайёрланиши каби масалалар батафсил акс эттирилиши лозим.

Учинчидан, ҳар қандай экспертиза, хусусан, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг экологик экспертизаси ҳам бошқа экспертиза турлари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, ушбу экспертизалар биргаликда ва умумий мақсад сари амалга оширилсагина сифатли ва барқарор қонунчилик базаси яратилади.

Ҳозирги кунда бирорта ҳужжатда “норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси экспертизаси” тушунчаси мавжуд эмас. Қолаверса, экспертизадан ўтказиш принциплари, экспертизанинг турлари ва обьектлари аниқ белгиланмаган.

Экспертлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва қонунчилик ҳужжатларини тайёрлашда унинг таъсирини кучайтириш ўз навбатида экспертиза ва экспертизанинг ҳуқуқий мақомини аниқ тартибга солишни, экспертиза предмети ва обьекти, экспертилик фаолиятининг аниқ шакллантирилган вазифаларини белгилашни тақозо этади.

Бизнинг фикримизга кўра, юртимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси ва экспертлик фаолияти мақомини янада мустаҳкамлаш мақсадида яхлит бир қонун ҳужжатини ишлаб чиқиша эҳтиёж мавжуд. Ушбу қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини экспертизадан ўтказиш тушунчаси, экспертиза тамоиллари, турлари ва обектлари, унинг субектлари, амалга ошириш тартиби, ўзаро боғлиқлиги, натижалари ва экспертизанинг бошқа асослари кўрсатилиши керак.

Тўртингчидан, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг экологик назоратни амалга ошириш, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиш бўйича тегишли ваколатларини белгилаш ҳамда мазкур соҳадаги мустақиллиги ва маъсулиятини янада ошириш лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиш бўйича қўмитада маҳсус бўлинма ташкил этиш, бу соҳага тажрибали миллий ва халқаро экспертиларни жалб қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчилар томонидан экспертиза хulosаси тавсияларининг бажарилишини назорат қилиш каби вазифаларни ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бешингчидан, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг экологик экспертизаси жараёнларига рақамли ахборот технологияларини кенг қўллаш мақсадида **Eco-expert.uz** маҳсус электрон порталини ишга тушириш лозим.

Ушбу портал орқали экологик экспертиза учун барча лойиҳаларни, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини электрон тақдим этиш, экспертиза жараёнларини онлайн кузатиб бориш, экологик экспертиза хulosаларини эълон қилиб бориш мумкин.

Шунингдек, мазкур порталда экологик экспертиза хulosалари базасини шакллантириб, келгусида экспертиза учун зарур статистик ва таҳлилий маълумотлар, экологик стандартлар

ва соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини ўзида бирлаштирган ва сунъий интеллект технологияларини қўллаган ҳолда қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик равишда экологик экспертизадан ўтказадиган маҳсус дастур ишлаб чиқиш имкони ҳам бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2009. Б. 545-546.
2. Тихомиров М.Ю. Юридическая энциклопедия. –М., 1995. С.330.
3. Ш.Х.Файзиев. Қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш: миллый ва хорижий тажриба. – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Т.:Адолат, 2020 й. Б.160.
4. Абдуллаев Б.Дж. Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизасини такомиллаштириш муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т., 2010. Б.33.
5. Тихомиров Ю.А. Юридическая экспертиза как условие обеспечения качества нормативного правового акта. // Право и современные государства. -2015. №1. С.53.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги 20.04.2021 йилдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/5378966>
7. URL: <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/biodiversity>
8. Цели в области устойчивого развития // URL: <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable/development-goals/>
9. Бурматова О.П. Экологические экспертизы: возможности проблемы, решения. // Вестник НГУЭУ. – 2020. №2. С.25.
10. Жўраев Ш.Ю. Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т., 2012. Б. 19.
11. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4955>
12. Владимиров, В.А. Катастрофы и экология / В.А. Владимиров, В.И. Измалков. – Москва: Контакт-Культура, 2000. С.379.
13. Боголюбов, С.А. Экологическое право: учебник / С.А. Боголюбов. – Москва: Юристъ, 2004. С.430.
14. Богданова Э.Ю. Генезис процедуры оценки воздействия на окружающую среду в международном праве. // Право и общество. – 2012. №1 (035). С.191-198.
15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори, 06.05.1995 йилдаги 82-I-сон // URL: <https://lex.uz/uz/docs/2666922>
16. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги 25.05.2000 йилдаги 73-II-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/32955>
17. Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 09.12.1992 йилдаги 754-XII-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/107115>
18. Бринчук М.М. Удвоение ВВП в контексте экологического права // Экологическое право. – 2009. №1. С. 2-11.
19. URL: <https://online.zakon.kz>.
20. URL: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/202591>
21. Сайдов А.Х. Қонун ҳужжатларини экспертиза қилиш – ҳуқуқий назария ва амалиёт бирлигининг инъикоси. / “Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. –Тошкент, 2005. Б.15-16.
22. Короткова О.А. Экспертиза законопроектов и законодательных актов: теоретико-правовой аспект: Автореф. дис. ... к.ю.н. –М., 2010. С.9.